Аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларига мувофиқ шу йилда 490,0 мингга яқин янги иш ўрни, шу жумладан корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 мингта, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида 120 мингта иш ўрни яратилди.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 23-oktabr • Seshanba • 130 (27.775) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР

Олтиариқ тумани Полосон қишлоғида фаолият бошлаган «Фромодда-текстиль» масъулияти чекланган жамиятида болалар, эркак ва аёллар учун бежирим кийим-кечаклар ишлаб чиқарилаётир. Корхонада 30 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Замонавий, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хориждан келтирилган дастгоҳлар ўрнатилди. Бунинг натижасида бир сменада 800 дона эркаклар футболкалари тайёрлаш имкони яратилди. Беш турдаги болалар ички кийимлари, пахтадан тикилган аёллар кийим-кечаклари ҳам харидорлар эътиборини тортмоқда.

Бугунги кунда жамият бизнес соҳасида ўттиздан ортиқ салоҳиятли ҳамкорларга эга. Корхона маҳсулотларининг дастлабки туркуми Россияга жўнатилди. Келгуси йили экспорт имкониятини беш баробар кўпайтириш режалаштирилмоқда.

Суратларда: ишчи Наргиза Қодирова; жамиятга қарашли савдо дўкони сотувчиси Хуршида Маҳсумова; корхонанинг умумий кўриниши.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

«Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларида ҳам қандайдир чекловлар бор экан. Шу ҳақда билмоқчи эдим.

Мунира Шокиржонова, Тошкент вилояти, Пскент тумани».

Ушбу саволга Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117- моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Қолаверса, Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва бошқа халқаро ҳуқуқий нормаларда фуқароларнинг сайловларда бевосита иштирок этиш тартиб-қоидалари ифодаланган. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб сайлов ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Шунингдек, баъзи ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларида айрим чекловлар ўрнатилган. Хусусан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловларда қатнашмайдилар. Баъзи бир хорижий мамлакатларда фуқаролар сайлов ҳуқуқларини бевосита чеклашнинг ўзига хос кўринишлари мавжуд. Жумладан, 1977 йилги Эквадор Конституциясига мувофиқ, ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар овоз бериш ҳуқуқидан фойдалана олмайдилар. Перу, Панама, Аргентина, Бразилия ва Мексикада унтер-офицерлар ва армия, флот, полиция оддий аскарлари, қамоқхона хизматчилари ҳамда мажбурий ҳарбий хизматни ўтамаган шахслар овоз беришдан маҳрумдирлар.

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайловларда бемалол қатнашиши мумкин. Демак, 18 га тўлмаган фуқаро сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга эмас. Баъзи бир давлатларда сайлаш ҳуқуқларидаги ёш турлича. Масалан, Бразилия, Никарагуа, Куба ва Эронда фуқаролар 16, Индонезияда 17, Боливия, Марокаш давлатларида эса 21 ёшда фуқаролар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Ушбу талабларга жавоб бермаган шахснинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас.

Турли мамлакатларда президентликка номзод бўлиш учун турли ёш цензлари белгиланган. Масалан Италияда 50 ёш, Россияда 35 ёшдан президентликка номзодини қўйиш мумкин. Шунингдек, цивилизация, ривожланиш натижасида сайловга доир баъзи чекловлар бекор қилинди. Масалан, дастлаб сайлов ҳуқуқи фақат эркакларгагина тегишли эди. XX асрга келиб сайлов масаласида эркаклар ва аёллар ҳуқуқи тенглаштирилди. Шахснинг жинсига қараб сайловда иштирок этишга тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ФРАНЦИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа бўйича департаменти директори Жак Фор раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда, жумладан, парламентаризм, ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилнинг август ойида эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари эълон қилиниши ва улар асосида тегишли қонунларнинг қабул қилиниши жаҳон ҳамжамияти, жумладан, Европа мамлакатлари томонидан ҳам юксак баҳолангани қайд этилди. Ушбу ҳужжатлар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёнини янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Меҳмонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик жараёнлар, Омбудсман институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Ўзбекистон Франциянинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорларидан, — деди Жак Фор. — Франция Ўзбекистонда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар нафақат сиёсий, балки савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳам изчил ривожланмоқда. Ўзаро алоқаларимизни барча соҳаларда кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг истиқболи порлоқдир.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасида қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири

Хайрия тадбири

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами — ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар, экологик мураккаб ҳудудда яшовчиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз алоҳида аҳамият қаратяпти.

МУРУВВАТ ЁРДАМИ

Жумладан, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида республикамизнинг чекка туманларидаги қишлоқлар, мурувват уйлари, ижтимоий объектлар, тиббиёт муассасаларига «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан шу кунгача жами 780 миллион сўмликдан ортиқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Бу маблағлар 11 минг нафардан ортиқ қариялар, 406 та ижтимоий соҳа объектлари, 7590 та кам таъминланган оилаларга улашилди.

Яқинда Тошкент темир йўл вокзалидан навбатдаги «Ўзбекистон темир йўллари — «Экосан» поезднинг 35 миллион сўмлик мурувват ёрдами Хоразм вилоятига жўнатилди. Турли кийим-кечаклар, спорт жиҳозлари, болалар пойабзаллари, кўрпа-тўшак ғилофлари, ногиронлар учун аравачалар, санитария-гигиена моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари вилоятнинг кам таъминланган, кўп болали оилалари ва ёрдамга муҳтож кексаларига тарқатилди.

Мазкур мурувват ёрдами ҳам ҳар галгидек, ҳомийлар, шунингдек, «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида ўтказилган экологик ҳашарлардан тушган маблағлар ҳисобидан ташкил этилди.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

САЙЛОВ МАВСУМИ

ЯНАДА МАСЪУЛИЯТ ВА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Сайловларда иштирок этиш партияларнинг сиёсий куч сифатидаги асосий функциясидир. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида партиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Айни пайтда минтақавий партия ташкилотлари пленумларида ушбу сайлов муносабати билан ЎзХДП ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифалари муҳокама этилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши пленумида шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов маъруза қилди. У сайлов кампаниясини ташкил қилиш, сайлов жараёнлари ва тарғибот-ташвиқот ишларида партия кенгашлари қошида ташкил этилган ахборот-услубий марказларидан самарали фойдаланиш, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими семинарларида сайловга оид мавзуларни чуқур ўрганиш масалаларига алоҳида тўхталди. Партия ташкилотлари ва фаоллар сайловнинг кузатувчиси эмас, фаол иштирокчиси эканини таъкидлади.

— Сайлов даврида ишларимизни ниҳоятда самарали ташкил этишимиз зарур бўлади, — **деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Боймурод Юсупов.** — Биз катта сиёсий кучмиз. Барча имкониятларимиздан кенг фойдаланиб, электоратимиз вакиллари ва сайловчилар ўртасида партиямиз ғояларини, мақсад ва вазифаларини кенг ташвиқот қилишимиз талаб этилади. Бу борада фракциямиз аъзолари сизларга ёрдам беришга тайёр.

— Сиёсий партия фаолиятига фуқаролар асосан сайловлар вақтида ўз баҳосини беради, — **деди «Инвест плюс» маркази директори Яков Яичников.** — Биргина шунинг ўзи ушбу сиёсий тадбирнинг биз учун қанчалар катта аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 23 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:**

1 Австралия доллари	1145,48
1 Англия фунт стерлинги	2609,03
1 Дания кронаси	244,11
1 БАА дирхами	348,42
1 АҚШ доллари	1279,44
1 Миср фунти	231,34
1 Исландия кронаси	21,27
1 Канада доллари	1312,11
1 Хитой юани	170,28
1 Малайзия рингити	379,32
1 Польша злотийси	490,30
1 СДР	1990,09
1 Туркия лираси	1061,25
1 Швейцария франки	1085,84
1 ЕВРО	1818,72
10 Жанубий Корея вони	13,95
10 Япония иенаси	109,75
1 Россия рубли	51,36
1 Украина гривнаси	253,35

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

САЙЛОВ МАВСУМИ

ЯНАДА МАСЪУЛИЯТ ВА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Табиийки, бу жараёнда энг масъулиятли вазифалар туман кенгашлари зиммасига тушади. Чунки улар бевосита бошланғич ташкилотлар билан, одамлар билан ишлайди. Шунинг учун туман кенгашлари етакчилари ва фаоллари янада сергак, ҳушёр ва ташкилотчи бўлишлари талаб этилади.

— Одамларнинг сайловга қизиқиши ҳар қачонгидан ҳам юқори, — **деди Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Аҳмаджон Зокиров.** — Ҳар бир сиёсий партиядан кўрсатилаётган номзодлар, сайлов жараёнлари билан боғлиқ кўплаб саволлар билан мурожаат этишаяпти. Бу халқимизнинг сиёсий онги, маданияти ошгани, ўзи ва мамлакат тақдирига бефарқ эмаслиги, сайлов сайловчиларнинг фаоллиги остида ўтишини кўрсатади.

— Сайлов демократиянинг жамиятда қанчалик илдиз отгани ва ривожланганини акс эттирувчи мезондир, — **деди Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти Маргарита Аҳметбекова.** — Шундай экан, биз сайловда иштирок этиш билан нафақат ўз сиёсий масъулиятимизни бажарамиз, балки юртимизда демократик қадриятларнинг янада ривожланишига хизмат қилган бўламиз.

— Мамлакатимизда сайловчиларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этади, — **деди Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдураҳимова.** — Демак, сайловни ўтказиш тартиблари, тамойиллари, босқичлари ҳақида аёллар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш талаб этилади. Бунда партиямиз «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотларининг алоҳида ўрни бўлиши керак. Хотин-қизлар, ёшлар орасидан етакчиларни тайёрлашда сайлов катта мактаб вазифасини ўтайди. Бундан ўзимизга тегишли хулоса чиқаришимиз ва фойдаланишимиз лозим.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Ғуломов иштирок этди ва сўзга чиқди.

●●●

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши пленумида кун тартибидаги асосий масала юзасидан ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева маъруза қилди.

— Бугун мамлакатимизда демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим босқичи давом этмоқда, — деди у. — Айни шу паллада бошланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови партиямиз учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараён мамлакатда ижтимоий онг, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти янада ўсишини таъминлайди.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП МК Ижроия қўмитаси аъзоси, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамияти БПТ раиси Муҳиддин Бозоров, ХДП Қоракўл туман кенгаши раиси Файзулла Бебутов, Ғиждувон туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Робия Камолова, Вобкент туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Илғор Халилов ва бошқалар сайлов пайтида партия ташкилотларининг масъулиятли вазифалари, сайлов ҳуқуқи ва фуқаролик масъулияти тушунчаларининг моҳиятини кенг тушунтириш масалалари ҳақида фикр билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов сўзга чиқди.

●●●

Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши пленумида вилоят партия кенгаши раиси Парда Юлдашевнинг маърузаси тингланди.

— Муболағасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини республикамиз ҳаётидаги масъулиятли палла, партиямиз учун жиддий имтиҳон деб, айтиш мумкин, — деди у. — Шу муносабат билан бизнинг айни пайтдаги вазифамиз жойларда фуқароларга демократик сайловларнинг аҳамияти, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ўзгаришларнинг моҳиятини тўғри тушунтириб бориш, уларни сайловда фаол иштирок этишга чорлашдан иборат.

Музокарада сўзга чиққан **халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири Акром Иномов** билдирган фикр-мулоҳазалар иштирокчилар эътиборини тортди:

— Юртимизда сиёсий партиялар фаолиятига яратилган шарт-шароитлардан тўғри фойдаланиб, зиммамиздаги катта масъулиятни ҳам унутмайлик. Кўппартиявийлик шароитида олдимизда турган сиёсий имтиҳон — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини юксак уюшқоқлик билан ўтказиш бизнинг бевосита вазифамиздир. Мавжуд 5 та сиёсий партия Президентликка ўз номзодини кўрсатаяпти. Ҳар бир партиянинг сиёсий қарашлари, тутган йўли турлича бўлгани билан асл мақсади, нияти бир — юрт тинчлиги, ватан равнақи, халқ фаровонлигига эришиш. Сайлов жараёнида ана шу мақсадга эришиш учун ўз йўлимизни таклиф этамиз ва унинг тўғрилигини исботлаш учун курашамиз.

ЎзХДП Ғаллаорол туман кенгаши раиси Бурхон Темиров масаланинг яна бир жиҳатига тўхталди:

— Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий тафаккури ўсаяпти. Бу мамлакатимиз демократик тамойиллар асосида ривожланаётганидан далолат беради. Электоратимиз аввало, уларга бўлажак сайлов, партиямизнинг ундаги иштироки ҳақида тушунча беришимиз, шу аснода уларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, ўй-фикрлари билан яқиндан танишиб боришимиз зарур.

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши пленумида маъруза қилган партиянинг вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов сиёсий ҳаётимиздаги муҳим воқеа масъулияти ҳар биримиздан фаоллик, ташкилотчилик, қатъият талаб этади деган фикрни илгари сурди.

Музокараларда сўзга чиққан ЎзХДП Ғулистон шаҳар кенгаши раиси Воҳид Ҳасанов, Янгиер шаҳар кенгаши раиси Исматилла Исоқов, вилоят Кенгаши депутати, ўқитувчи Баҳри Бобоқулова ва бошқалар сайловларнинг чинакам демократия кўзгуси, сиёсий партия учун жиддий синов эканини таъкидладилар.

— Сайлов муносабати билан мавжуд 58 та бошланғич партия ташкилоти, партиямиз электорати фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — деди Воҳид Ҳасанов. — Шу билан бирга маҳаллаларда ишчи гуруҳлари ташкил этиб, улар фаолиятини жонлантириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Сайловчилар ҳар бир ХДП аъзоси, хайрихоҳларимиз билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг сайлов, демократия тўғрисидаги тушунчаларини бойитишга ҳаракат қилаяпмиз.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Олим Равшанов иштирок этди.

●●●

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши пленумида вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев маъруза қилди.

— Сайлов кампанияси сиёсий партиялар учун жиддий синов, — деди у. — Чунки сайлов жараёнида бошқа сиёсий кучлар қатори биз ҳам ўз электоратимиз манфаатларига қаратилган дастурий мақсадларимизни омма орасида янада кенг тарғиб этишга бутун куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз. Демократик сайловларда иштирок этар экан, кишилар онгида биринчи навбатда мамлакат ва унинг атрофидаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси шаклланади. Юртимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида фикрлар билдирилади.

Сиёсий саҳна имтиҳони жараёнида яна нималарга эътибор қаратиш зарур? Пленумдаги асосий маъруза юзасидан сўзга чиққан партия Тўрақўрғон туман кенгаши раиси Орифжон Охунов, Наманган шаҳар кенгаши раиси Акмалхон Умаров, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали илмий ходими Зафаржон Худойбердиев ва бошқалар ана шу савол доирасида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Дарҳақиқат, муқобиллик асосидаги сайлов кампаниясининг бош вазифаси — халқнинг хоҳиш-иродаси орқали мамлакат Президентини сайлашдир. Бу юртнинг порлоқ келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу фикрни пленумда сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Пленумларда партия ташкилотлари ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI қурултойига делегатлар сайланди.

Беҳзод ШУКУРОВ, Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.
Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

КЕЧА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Йиғилишда биринчи ўқишда киритилаётган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Ушбу масала бўйича Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари Шоира Умарова сўзга чиқди.

Маълумки, амалдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда корхоналарнинг ходимлари бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиниши кўзда тутилган, аммо бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурта қилиш тартиби ва шартларини акс эттирувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилмаган. Шу маънода ушбу қонун ғоятда қимматлидир.

У ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисадан жароҳатланган, касб касалликларига чалинган ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари, мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш масалалари ва механизмларини қонуний мустаҳкамлашга замин яратади. Лойиҳада ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисадан жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш туфайли ходимга етказилган зарарни суғурта орқали қоплаш назарда тутилаяпти.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган **«Уруғчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»**ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур қонуннинг 9-моддаси иккинчи қисмининг ўзбек ва рус тилларидаги матнларида ўзаро бир-бирига тўғри келмайдиган жиҳатлар мавжуд. Шу сабабли амалиётда айрим муаммолар келиб чиқаяпти. Ушбу номувофиқликни бартараф этиш мақсадида Қонунга таҳририй ўзгартиш киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар томонидан **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Самидулло Маҳмудов маъруза қилди.

Қимматли қоғозлар бозорини тўлиқ шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакатимизда босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу унинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, барча иштирокчиларга битимларни тузиш учун зарур шарт-шароитлар яратишни талаб қилади. Республикамизда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви, фонд бозорининг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб, босқичма-босқич шаклланаяпти. Ушбу лойиҳанинг ишлаб чиқилиши бу борадаги олиб борилаётган ишларнинг узвий давомидир.

Фракция аъзолари, шунингдек Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган **«Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди. Мазкур масала бўйича Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Тоҳир Шайманов сўзга чиқди.

Мазкур Битим икки давлат ўртасида юклар ташуви, ўз ҳудудлари орқали учинчи мамлакатга транзит ташувларни енгиллаштириш мақсадида имзоланган. Битимда томонлар ўз миллий қонунчилигига мувофиқ, бошқа томон давлат ташувчиларига нисбатан ер усти транспорти коммуникациялари бўйича транспорт воситасига мулкчилик ҳуқуқидан қатъи назар эркин транзит қатновини тақдим этишлари назарда тутилган.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз.)

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш баробарида ёш авлодга таълим-тарбия берувчи ўқитувчилар малакасини ошириш, улар илмий салоҳиятини юксалтириш, меҳнатларини муносиб тақдирлаш борасида ҳам қатор ишлар қилиняптики, бунинг самарасини ҳозирданоқ кўриб турибмиз. Ҳар йили ўқитувчиларнинг катта гуруҳи ҳукумат мукофотларига сазовор бўлишмоқда. 2004 йилдан буён Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови ҳам шарафли касб эгалари маҳорати ва маҳнатлари эътирофига қататилгандир.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш, мактабларнинг педагог ходимлари орасидан илғор, ташаббускор ва ижодкор ўқитувчиларни аниқлаш, уларнинг касб маҳоратини синовдан ўтказиб, тегишли тарзда рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилган ушбу танлов бугунги кунда ўқитувчиларимиз орасида қизғин оммалашиб кетди.

— Бу кўрик-танлов ўқитувчиларнинг ўз касбига бўлган масъулиятини яна бир карра оширди, — *дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлими услубхона мудири Гулчеҳра Расулова.*— Танлов шартларига биноан ўз устида тинимсиз ишлаган педагог-мураббийларимиз нафақат туман ва шаҳар, балки республика миқёсида ҳам ғолибликка муносиб эканликларини кўрсатиб келишмоқда. Хусусан, бу йил туманимиздан 14 нафар ўқитувчи шаҳар босқичида совринли ўринларни қўлга киритган бўлса, шулардан 7 нафари республика босқичида ғолиб деб топилди. Улар орасида икки нафари биринчи, қолганлари иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларидир. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай танловлар ўқитувчиларимизда ўз касбига бўлган ишончни ошириши баробарида уларда иқтидор ва маҳорат қирраларини кашф этишда асосий омил бўляпти.

— «Қирқ йиллик ўқитувчи бўлсанг ҳам, қирқ беш минутлик дарсга тайёргарлик кўриб бор» деган гап нақадар тўғри, — *дейди Юнусобод туманидаги 273-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2007» кўрик-танлови ғолиби Шаҳзода Саидова.* — Бугун ўқитувчиликка бўлган муносабат ўзгарди. Касбимизнинг нуфузи ва обрўйи ортди. Мен ҳам шуни англаган, дил-дилдан ҳис қилган ҳолда, бутун борлиғимни ёш авлод таълим-тарбиясига бағишлашга ҳаракат қилиб келяпман.

Дарҳақиқат, ўз касбини жондан севган бу фидойи ўқитувчининг тажрибалари, дарс ўтишдаги янги усуллари айни пайтда туман оша бошқа мактабларга ҳам таралди. Унинг муваффақиятидан руҳланган ҳамкасблари ҳам янги ғайрат билан ишлашмоқда. Энг муҳими, бунинг самарасини мактабда ўқиш-ўзлаштириш ўзгарганида ҳам кўриш мумкин.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: пойтахтимиздаги 273-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Шаҳзода Саидова дарс пайтида.

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

МЕҲРЖОН — ШУКРОНАЛИК БАЙРАМИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА АНЪАНАВИЙ МЕҲРЖОН БАЙРАМ САЙЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

У Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Республика «Нуроний», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Байрам сайлида сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари А.Ҳайдаров, Республика «Олтин мерос» хайрия жамғармаси раҳбари А.Каримов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар маънавий-маърифий соҳалардаги ўзгаришларга уйғун тарзда кечаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар ўзликни англаш, умрбоқий қадрият ва анъаналаримизнинг қайта тикланиши, миллий байрамларнинг кенг миқёсда нишонланишида яққолроқ намоён бўлмоқда.

Элшунос олим Билол Аминовнинг айтишича, олтин куз фаслида ўтказилувчи Меҳржон байрами азалдан халқимизда тўкинсочинлик, фаровонлик, файзу барака, шукроналик айёми сифатида нишонланиб келинган. Бу ҳақда Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам маълумотлар келтирилгани эътиборга моликдир. Меҳржонда бободеҳқонларимиз қалб кўри, машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосил барча-барчага улашилган, мўл-кўл ҳосил учун Яратганга шукроналар айтилган.

Ушбу сайлда ҳам юртимиз далалари, боғларида етиштирилган мева-сабзавотлардан иборат ярмарка ташкил этилди. Умумтаълим мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъати намуналаридан иборат кўргазма бўлиб ўтди.

Сайлда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

БОЛАЛАР УЧУН АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Тошкентда бўлиб ўтган «ICTExpo-2007» ахборот технологиялари миллий кўргазмасида «Ахборот технологиялари — болаларга» тадбири ҳам ўтказилди. Бунинг натижасида кўргазмада иштирок этган компаниялар таълим жараёнларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон IT-ассоциацияси даъватига биноан пойтахтимиздаги қатор муассасаларга техник ёрдам кўрсатди.

Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциациясида болалар муассасаларига совғаларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги 21, 22-Меҳрибонлик уйлари, 2-мактаб-интернат, 31, 69, 231-мактаблар, «SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари»га компьютерлар, принтерлар, сканерлар, кўплаб ишларни бажаришга мўлжалланган мосламалар топширилди. Ушбу хайрли тадбирда Agata Impex, Balk Technologies, Beeline, Intelligent Solutions, I-teco Tashkent, Sharifa-T, USD каби компаниялар иштирок этди.

(ЎзА)

Миннатдорлик

«ШАҲАНД» СИҲАТГОҲИДА

Юртимизда сиҳатгоҳлар, хушманзара масканлар кўп. Тўрақўрғондаги «Шаҳанд» сиҳатгоҳи ҳам ўзининг тоза ҳавоси ва сўлим табиати билан кишини ўзига тортади.

Биз оиламиз билан сиҳатгоҳда дам олиб, дардимизга шифо топдик. Унда даво истаб келувчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Шинам, ораста хоналар, қулай юмшоқ мебеллар, замонавий даволаш тиббий асбоб-ускуналари, шифобахш сув, фитобардаги табиий ўтлардан тайёрланган дамламалар беморлар дардига малҳам бўлаяпти.

Сиҳатгоҳ бош шифокори Умаржон Мўминов, даволовчи врач Муҳаммаджон Худойқулов, ҳамшира Зуҳра, Нигора, Замира, Фотимахонларнинг бизга кўрсатган беминнат тиббий хизматидан жуда-жуда мамнунмиз.

Раъно БЎРОНОВА, уй бекаси.
Шерали БЎРОНОВ, пенсионер.

Саломатлик масканларида

ТИБ ИЛМИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ ҚЎЙИЛГАН

ЮРТИМИЗДА АНЪАНАЛАР МУНОСИБ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Бунга биргина Республика ихтисослашган Кўз микрохирургияси марказида олиб борилаётган илмий-амалий ишлар мисолида ишонч ҳосил қилишингиз мумкин

Кўзингизни бир лаҳза юмингу, тасаввур қилинг: қоп-қоронғулик. Зимистон... ва ўйлайсиз: наҳот, инсон умри охиригача шу қоронғуликда кечса? Оламни кўрмаса? Фожиа. Шундайми? Лекин илож қанча, тақдирнинг иши...

Энди кўзингизни очинг: офтоб, осмон, еру кўк, одамлар... Ҳаммасини кўриб турибсиз. Борлиқ кўз олдингизда. Мунаввар олам. Яшагинг, яшаганда ҳам кўп ва хўп яшагинг келади...

Пойтахтимизнинг Республика ихтисослашган Кўз микрохирургияси марказида бўлганимда хаёлимни ана шундай ўйлар банд этди. Ёхуд кўзи очиқ бўлса-да, нури қочиб, гавҳари «ҳориб», шоҳ пардаси яллиғланиб, бояги юмуқ ҳолатдаги вазиятга тушиб қолганлар йўқ дейсизми? Бор...

Шундайларнинг кўзларига мазкур Марказ шифокорлари — офтальмологлар нур улашаяпти, «ҳориган» кўз гавҳарлари ўрнига гавҳар қўйишаяпти, шоҳ пардалари кўчириб ўтказилаяпти... Бундан ортиқ эзгу иш борми, дунёда! Ахир, мунаввар оламни ўз кўзингиз билан кўриб туришнинг ўзи катта бахт-ку!

●●●

— Кўзимнинг нури кетиб, ғира-шира кўрадиган бўлиб қолувдим, — дейди **Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманидан келган Дўйсинбой Хўжаназаров.** — Ёшим 60 да. Сал бўлмаса ёруғ дунёни кўришдан бенасиб бўлиб қолар эканман. Ўғлим: «Тошкентда катта кўз касалхонаси бор, чет эллардагидек даволашади, сизни кўриб турибман, — гапга қўшилди тошкентлик **Руслан Вяселев.**

●●●

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилнинг 20 февралида **«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинганди. Кўп ўтмай Вазирлар Маҳкамаси қарори билан мамлакатимизда кўз касалликлари олдини олиш, кўз микрохирургияси йўналишида тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент вилоят кўз касалликлари клиникаси базасида Республика ихтисослашган кўз микрохирургияси маркази ташкил топди.

Марказ илк кунларданоқ ўз илмий-амалий салоҳиятига эга мутахассислардан иборат тиббий жамоани шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди. Замонавий моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, даволаш ўринларини кенгайтириб борди. Бунинг учун табиийки, Марказга янги жой — ихтисослашган мажмуалар, модернизациялашган иншоотлар ва офтальмология хасталиклари ташҳисларини аниқ кўя оладиган тиббий асбоб-ускуналар керак бўлди, негаки, вилоят кўз касалликлари клиникаси базасидаги мавжуд бинолар бугунги замонавий талабларга жавоб беролмасди. Ҳукумат қарори билан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Фозил-тепа кўчасидаги 40-бино Марказ тасарруфига берилди ва унда қайта реконструкция ҳамда капитал таъмир ишлари бошлаб юборилди. Бунинг учун 900 миллион сўм (720 миллион сўми давлат бюджети ва 180 миллион сўми ҳомийлар ҳисобидан) маблағ ажратилди.

●●●

Шу йил баҳор кезлари эди. Қарийб 2,5-3 йиллик қурилиш, таъмирлаш, реконструкция ва модернизациялаш ишлари ниҳоясига етиб, Республика ихтисослашган Кўз микрохирургияси маркази янги бинода иш бошлади. У бугунги кунда аҳолига нафақат кўз микрохирургиясининг барча йўналишлари бўйича сифатли ва ишончли тиббий хизмат кўрсатмоқда, балки, мамлакатимиз кўз микрохирургияси фанининг илмий ривожига ҳам муносиб (тадқиқий изланишлар) ҳисса қўшмоқда. Айниқса, у соҳанинг мутахассис кадрлари учун таълим, тажриба ва малака ошириш масканига айлангани — республикамиз соғлиқ сақлаш тизимида катта воқеа бўлди.

— Жарроҳлик блокимизда 4 та зал бор, — дейди **Марказ директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, тиббиёт фанлари номзоди Зафар Сиддиқов.** — Уларда бир кунда 50 тагача операцияни амалга ошириш имкони мавжуд. Стационаримизда ўринларимиз 45 та. Поликлиникамиз ва «Дилфуза нур» оптика марказимиз ишлаб турибди. Фавқулоддаги вазиятларда жойларнинг ўзида операция қилиш учун ғилдиракли кўчма жарроҳлик машинамиз — «Нурафшон» (Швейцариядан олганмиз) доимо шай...

Мажмуанинг биринчи қаватида асосан ташҳислар қўйилади, муолажалар қилинади, даволаш йўл-йўриқлари берилади, иккинчи қаватда — жарроҳлик заллари, учинчи-тўртинчи қаватларда — стационаримиз палаталари. Уларда беморлар учун ҳамма шароит — таомхона, ҳожатхона ва душ, телефонгача бор...



— Марказимизда ҳозир 130 нафарга яқин тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатаяпти, — давом этди Зафар Умарович. — Уларнинг 30 нафари врач, 20 нафари олий тоифали шифокор, тиббиёт фанлари доктори-ю, номзодлар бор. Ўрта ва кичик бўғин ходимларимиз хизматидан кўнглимиз тўқ. Тиббиёт фанлари номзоди Замира Фозилова, олий тоифали шифокор — Лариса Дурменова, ҳамшираларимиздан — Малика Раҳмонова, Мукаррам Абдураҳмоновалар бажарган муолажа ҳамиша аъло баҳоланган.

— Нима, шифокорлар ишига алоҳида баҳо қўйиб борасизларми? — деб сўрайман ундан.

— Ҳа, бизда шифокор ишга келиб кетгани учун эмас, бажарган ишига маош олади. Яна бир жиҳати — шифокорни бемор танлайди. Дейлик, илгари бир шифокор кимнидир операция қилган ёки даволаган бўлса, унинг ишидан кўнгли тўлган бемор у ҳақда албатта бошқаларга ижобий фикр айтади ва янгидан келаётган бемор ҳам малакали шифокорни излайди. Уни қандай бўлмасин сўраб-суриштириб топади...

Марказда ҳар бир операциянинг сифатини баҳолаб борувчи даволаш-назорат комиссияси бор. Комиссия аъзолари баҳо қўйишда доим бемор ҳуқуқини ҳимоя қилади. Ва биз ҳар йили 3 минг беморга хизмат кўрсатиш салоҳиятига эгамиз. Шундан 600 нафарини ажратилган маблағимиз ҳисобидан текин даволаяпмиз...

Биласиз, кўз инсон организмининг энг нозик аъзоси. Унинг гавҳари ва шоҳпардасига тиғ текизиб бўлмайди, деган фикрлар бўлган. Аммо цивилизация, тинимсиз тиббий илмий изланишлар, таҳлиллар ва фан-техника тараққиёти XX аср ўрталаридан бошлаб бунинг уддасидан чиқди. Жаҳон тиббиётида энг мураккаб, энг нозик жарроҳлик — хиралашиб қолган кўз нурларига нур улашиш муваффақиятли йўлга қўйилди.

2000 йиллар бошида мамлакатимизда ҳам ушбу соҳани замонавий шаклга ўтказиш саъй-ҳаракати бошланди. Америкада кўз касалликлари операциялари (оғирлик ва енгиллик даражасига қараб) 5 мингдан 15 минг долларгача туради. Бизда эса кўз шоҳпардасини кўчириб ўтказишдек (имплантация) ўта нозик операция нархи — 1 миллион 200 минг сўм. Боз устига, бу йилги «Ижтимоий ҳимоя йили»да кам таъминланган фуқароларнинг 15 нафарига айнан шундай операциялар давлат бюджети ҳисобидан қопланади. 20 нафарига имтиёзли (30 фоизи тўланиб) тарзда амалга оширилади. Йил охиригача яна шундай 60 та операция режага олинган.

Таъкидлаш жоиз, бу хил операциялар жаҳоннинг бармоқ билан санарли тиббий муассасаларида бажарилади. Улар сафида 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтган Ўзбекистон пойтахти Тошкентдаги Республика ихтисослашган Кўз микрохирургияси маркази ҳам борлиги биз учун шараф.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Тафсилот

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИНҚИРОЗ ОРТДА ҚОЛДИ...МИ?

Маълумки, Европа Иттифоқи 2005 йили ташкилот Конституциясини қабул қилишда бир тўхтамга кела олмаган эди. Яъни ЕИга аъзо мамлакатларда Конституция юзасидан ўтказилган референдумлар кутилган натижани бермади, ушбу Конституция лойиҳаси атиги 10 та аъзо давлатдагина — Австрия, Венгрия, Германия, Греция, Испания, Италия, Латвия, Литва, Словакия, Словенияда ратификация қилинган, Франция билан Нидерландия халқи қарши овоз бергач эса бошқа аъзо давлатларда референдум ўтказиш тўхтатилганди.

Мана, орадан 2 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу даврда Европа Иттифоқи Конституциясининг ўзига хос муқобили — янги базавий битим ишлаб чиқилди ва ўтган ҳафта охирида Португалия пойтахтида бўлиб ўтган ЕИга аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида улар эътиборига ҳавола этилиб, битим юзасидан келишувга эришилди. «Лиссабон битими» дея аталаётган

ушбу ҳужжатни расмий имзолаш тадбири (уни ЕИга аъзо 27 та давлат раҳбарлари имзолаши лозим) шу йил 13 декабрда ўтказилиши мўлжалланмоқда. Ундан кейин эса 27 та давлатнинг миллий парламентлари томонидан ратификация қилинади ва 2009 йилдан кучга киради.

Мазкур янги битим ЕИни институционал ислоҳ қилишни назарда тутади. Ҳатто ЕИ президенти лавозими жорий этилиши ҳам мумкин. У 5 йил муддатга сайланиб, халқаро саммитларда Европа блокини намоён этади. Шунингдек, битимда Европарламент депутатлари ва еврокомиссарлар сонини қисқартириш ҳам назарда тутилган. Шунинг учун ҳам ушбу битим юзасидан тортишувлар қизғин тус олди. Жумладан, Италия Европарламентдаги ўз депутатлари сони 2 тага қисқартирилишига қатъий қарши чиқди ва 1 та ўринни сақлаб қолишга эришди (Буюк Британия билан тенг — 73 та ўринга эга бўлади). Вена эса тортишувлардан сўнг Австрияда ўқийдиган чет эллик талабалар сонини қисқартириш ҳуқуқини қўлга киритди. Болгария ЕИнинг ягона пул бирлиги бўлмиш еврони «euro» тарзида эмас, балки «евро» тарзида, кирилл алифбосида ёзиш фикрида қаттиқ турибди. Польша эса ЕИ қарорларини қабул қилиш тартибини ўзгартириш талаби билан чиқди. Хусусан, Европарламентда камчиликни ташкил этувчи мамлакатлар ўзига ёқмаган қарор қабул қилинишида уни «музлатиб қўйиш» ҳуқуқи берилишини талаб этдилар.

Бу талаблар нечоғли инобатга олинган ёки олинмагани ҳақида ҳозирча ҳеч нарса дейилмаяпти. Аммо ушбу базавий янги битим борасида ЕИга аъзо 27 та давлат раҳбарлари ўзаро келишиб олдилар. Эндиги масала уни ратификация қилиш ва амалиётга жорий этишдан иборатдир.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

347 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакили Михаил Камининнинг «Новости» ААга берган интервьюсида қайд этилишича, мамлакатдан ташқарида, яъни хорижда 347 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Шу йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатдан ташқарида яшаётган россиялик сайловчиларнинг умумий сони 1 миллион 683 минг кишини ташкил этган, уларнинг асосий қисми МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида, АҚШ ва Исроилда яшашади.

Шу йил 2 декабрь куни Россия Давлат думаси учун бўлиб ўтадиган сайлов жараёнлари мазкур участкаларда эрталабки соат 8 дан кеч соат 20 гача давом этади. Вақт билан боғлиқ номутаносиблик ҳақида шуни айтиш лозимки, Янги Зеландия, Австралия ва АҚШда сайлов бошланган пайтда Москвада тун ярмидан оққан бўлади. Бундан ташқари, кўпгина мусулмон давлатларида якшанба (2 декабрь якшанбага тўғри келади) иш куни бўлгани боис, сайловни дам олиш куни — жума куни ўтказиш мўлжалланмоқда.



КУРАШНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ

Саккиз йилдан бери хорижда яшаган ва шу йилнинг 28 октябрида ўз ватани Покистонга қайтган мамлакатнинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто унга нисбатан уюштирилган суиқасдлардан қўрқмаслигини баён этиб, демократия учун курашни давом эттиришини билдирди, дейилади «ВВС» ахборотида. У бундай терактлар содир этилишида жангариларнинг қўли борлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумки, ўтган ҳафтанинг пайшанбасида Карачи шаҳрида Бхутто хонимга суиқасд уюштирилди, яъни 2 та кучли порт-лашлар содир этилди. Натижада 130 киши ҳаётдан кўз юмди. Шундан 50 нафари Бхуттонинг шахсий қўриқчилари эди. Собиқ бош вазирга эса зарар етмади.

Унинг айтишича, ушбу терактларда тўртта гуруҳнинг қўли бор. Улар орасида афғон толибонлари, «Ал-Қоида» ва бошқа гуруҳлар бор. Улар қандай режалар тузмасин, Бхутто келгуси йил январда Покистон парламенти учун бўладиган сайловларда иштирок этишини билдирди.

Дарвоқе, Покистон президенти Первез Мушарраф содир этилган терактларни демократияга қарши қаратилган фитна, деб атади. У Бхуттога телефон қилиб, ҳамдардлик билдирди.

70 КИШИ ЖАЗОЛАНДИ

Бомбардимончи «В-52» самолёти жанговар ядро каллаги билан АҚШ ҳудудидан учиб ўтгани учун бу ишга алоқадор барча шахслар (улар 70 киши) жазоланди.

Мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигидан олинган манбаларга асосланиб, «Assosiated Press» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигининг вакили Ричард Ньютоннинг айтишича, Шимолий Дакотанинг Минот авиабазасидан осмонга кўтарилган ва Луизиананинг Берксдейл манзилига қўнган самолётда қурол-яроғ билан муомала қилиш борасида жиддий хатоликларга йўл қўйилган. Шунинг учун 4 нафар мансабдор офицер қўмондонлик вазифасидан бўшатилган, қолгани эса ядровий каллаклар билан ишлашга умуман яқинлаштирилмайдиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз: шу йилнинг 29 августида Шимолий Дакотадаги Минот авиабазасида «В-52» қирувчи самолётига 4 та қанотли ракета ўрнатилади ва эртаси куни самолёт Луизианага учади. Бир кеча-кундуздан кейингина ядро каллаги жанговар ҳолда эканлиги маълум бўлади. Бир ҳафтадан кейин эса ОАВ журналистлари бундан хабар топади ва дунёга жар солади. Шундан сўнг тергов-суриштирув ишлари бошлаб юборилади.

Маълум бўлишича, ишга масъулиятсизлик билан ёндашилгани бунга сабаб бўлган.

Аслида жанговар каллаклар ракетадан ечиб олиб қўйилиши керак эди.

Инсон ва табиат

ҲАЙВОНОТ БОҒИ ЯНА ГАВЖУМ

Ажойиб жониворлари-ю, бетакрор наботот олами билан машҳур Термиз ҳайвонот боғи 1934 йилда ташкил этилган. Маскан ўз даврида кўркамлиги, ноёб жонзотларга бойлиги билан донг таратганди. Аммо ўтган асрнинг 90-йилларига келиб, у ночор аҳволга тушиб қолди. Ноёб қушлар камайди, озиқ-овқат муаммоси пайдо бўлди...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида»ги Қароридан сўнг бу ерда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Ҳайвонот боғини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, мавжуд ҳайвон, паррандалар тури ва сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кўшимча бинолар, махсус жойлар қурилди. Айни кунларда бу ерда 8 та бўлим мунтазам ишлаб турибди, 141 турдаги 360 та жонзот парваришда...

35 гектарни эгаллаган боғда республикамизда кам учрайдиган бута ва чала буталар, декоратив гуллар ҳам ўстирилади. Дендрабоғ ташкил қилинди.

— Халқимиз, айниқса, ёшларни табиат билан ошно этиш, унинг бетакрор гўзаллиги, ноёблиги билан таништириш мақсадида қулай шароитлар яратаяпмиз, — дейди боғ директори Баҳодир Тошбоев. — Тошкент ҳайвонот боғи билан амалий ҳамкорлик қилаяпмиз.. Ўтган йиллар давомида Тошкентдан лама, камерун эчкиси, холдор буғу, тўртта ноёб ўрдак, жайрон ва бошқа хил ҳайвон ва паррандалар олиб келдик. Натижада ҳайвонот боғимизга қизиқувчилар янада кўпайди.

— Синфдошлар тўпланиб ёзги таътилда томошага келгандик, — дейди Шўрчи туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Сирожиддин Лолаев биз билан суҳбатда. — Бугун эса ота-онам билан сайр қилаяпман... Икки метрча келадиган илонлар, баҳайбат бургутлар, айиқлар катта таассурот қолдирди...

Яқинда ҳайвонот боғида Уссурия йўлбарсларидан насл олинди, Ҳимолай қора айиғи ҳамда қўнғир пахмоқвой ҳам Термизда кўпайди. Шунингдек, боғда Африка шерларидан туғилган «Симба» ва «Лада» номли шербаччалар ҳам соғлом ўсаяпти.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *ҳайвонот боғида; ноёб жониворлар.*



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ РИШТОН ТУМАНИ МАРКАЗИЙ ШИФОХОНАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: Фарғона вилояти Риштон тумани марказий шифохонаси биноларини капитал таъмирлаш «ҚМИ».

Қурилиш муддати — IV квартал 2007 йил.

Буюртмачи: Фарғона вилояти марказий шифохонаси.

Манзили: Фарғона вилояти, Риштон тумани.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ҳарбий қурилиш объектларида ишлаш учун махсус лицензияга эга бўлишлари, ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — *Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:*

Фарғона шаҳри, К.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертларни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ООО «LANTICH» СООБЩАЕТ ОБ ИЗМЕНЕНИЕ УСТАВНОГО ФОНДА

С 2 376 065 643 СУМ НА 2 362 065 643 СУМ.

ПРЕТЕНЗИИ ПРИНИМАЮТСЯ ПО ТЕЛЕФОНУ: **173-61-33.**

Тошкент давлат педагогика институти томонидан 2001 йилда Якубова Муслима Эранбоевнага берилган В-069358 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси Тошкент тумани партия фаоли Абдужалилхон Ҳожи отага ўғли туман кенгаши депутати

Исахон ПОЗИЛОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти раҳбарияти ва жамоаси институт директори, профессор Шараф Исмаилович Ибрагимовга ўғли

ИБРОҲИМЖОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

БОКСЧИЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Бугун Америка Қўшма Штатларининг Чикаго шаҳрида ҳаваскор боксчилар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади. Ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиб келинаётган мазкур мусобақада тўқсон тўрт давлат спортчилари иштирок этмоқда. Улар қаторидан Ўзбекистон терма жамоаси ҳам ўрин олган.

Тажрибали мутахассис Шароф Худойбердиев бош мураббийлигида баҳсларга йўл олган терма жамоа таркибида қуйидаги «чарм қўлқоп» усталари юртимиз шарафини ҳимоя қилишади: Олим Назаров (48 кг., Тошкент), Тўлашбой Дониёров (51 кг., Наманган), Орзубек Шоимов (54 кг., Гулистон), Баҳодир Султонов (57 кг., Андижон), Беҳзод Хидиров (60 кг., Тошкент), Дилшод Маҳмудов (64 кг., Фарғона), Беҳзод Юнусов (69 кг., Андижон), Элшод Расулов (75 кг., Қўқон), Аббос Атаев (81 кг., Бухоро), Жасур Матчонов (91 кг., Тошкент), Рустам Саидов (+91 кг., Чирчиқ).

— Шогирдларимиздан умидимиз катта, — дейди бош мураббий Шароф Худойбердиев мусобақа олдидан бизга берган интервьюсида. — Жорий йилнинг июнь ойида Мўғулистонда ўтган Осиё чемпионатида жами еттита медаль билан тақдирланган боксчиларимиз бу сафар ҳам совриндорлар қаторидан жой олади, деб ўйлайман. Гарчанд мазкур мусобақада Куба, Россия, Болгария, Франция сингари мамлакатлар спортчиларининг имконияти юқори баҳоланса-да, йигитларимиз ҳар қандай рақибга қарши муносиб баҳс юрита олишади.

Эслатиб ўтамиз, чемпионат баҳслари 3 ноябрга қадар давом этади. Мусобақа ғолиб ва совриндорлари келаси йили Хитойда ўтказиладиган Пекин олимпиадасига йўлланмани қўлга киритадилар.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ

ЖУРНАЛИСТЛАР ЯНА МАЙДОНДА

Кеча пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуида мини футбол бўйича оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида «Sport» ва «O'zbekiston futboli» газеталари соврини учун футболимиз фидойиси Олимжон Акбаров хотира турнири бошланди.

Унда ўн саккиз жамоа ғолиблик учун ўзаро баҳс юритишмоқда. Қуръага кўра, жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган. Таҳририятимизнинг «Ўзбекистон овози» ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталари бирлашган жамоаси «D» гуруҳида «Sport» TV, «O'zbekiston futboli» ҳамда «Ҳордиқ» футболчилари билан ўзаро куч синашади. Дастлабки турда вакилларимиз «Sport» TV жамоаси билан бўлган кескин учрашувда дуранг натижага эришишди — 3:3. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда «O'zbekiston futboli» жамоаси «Ҳордиқ»чилардан устун келди — 3:0.

Мусобақанинг қолган уч гуруҳи эса қуйидагича кўриниш олган:

«А» гуруҳи. МТРК, «Хонадон», «Туркистон», «Инсон ва қонун», «Жамият».

«В» гуруҳи. «Наврўз» FM, «XXI аср», «Халқ сўзи», ЎзДЖТУ, «Ҳуқуқ».

«С» гуруҳи. «Маърифат», «Машъал-Садо», «Ватанпарвар», «Тошкент ҳақиқати».

Дастлабки турда юқоридаги гуруҳларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хонадон» — «Жамият» — 1:3, «Туркистон» — «Инсон ва қонун» — 3:1, «XXI аср» — «Ҳуқуқ» — 2:0, «Халқ сўзи» — «ЎзДЖТУ» — 4:3, «Маърифат» — «Тошкент ҳақиқати» — 5:1, «Машъал-Садо» — «Ватанпарвар» — 8:2.

«Ўзбекистон овози» жамоаси 2-турда «Ҳордиқ» футболчиларига қарши майдонга тушади.

Мусобақа Низомига кўра, ҳар бир гуруҳдан иккитадан жамоа кейинги босқичга йўлланма олади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: мусобақадан лавҳа. **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

Болалар спорти

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ

ЭКАНЛИКЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил топганлигининг беш йиллигига бағишлаб ОАВ ходимларининг фарзандлари ўртасида республика турнири ташкил этилди. Икки босқичда ўтказилган мусобақада 1500 нафардан зиёд 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган иштирокчи қатнашди. Республика босқичида эса улар орасидан сараланган 320 нафар ўғил-қиз спортнинг мини футбол, волейбол, сузиш, стол тенниси ҳамда шашка турлари бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Пойтахтимиздаги «Умид» болалар спорт мажмуида уюштирилган мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлар жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти ходимлари фарзандларидан ташкил топган жамоа аъзолари мини футбол, сузиш ҳамда шашка мусобақаларида муваффақиятли қатнашди.

Мини футбол бўйича ҳал қилувчи баҳсга бериладиган йўлланма учун ўтган учрашувда «Ўзбекистон овози» футболчилари қорақалпоғистонлик тенгдошлари билан куч синашиб, 2:1 ҳисобида устун келди. Финалда Фарғона вилояти ёшлари «Ўзбекистон овози» жамоаси рақиби бўлди. Тенг курашлар остида кечган мазкур ўйинда ягона гол учрашув тақдирини ҳал қилди — 0:1.

Шашка бўйича ўтган учрашувларда таҳририятимиз фотомухбири Абдивоси Ҳайдаровнинг қизи Муфора Чориева ўзидан тўрт-беш ёш катта бўлган рақибларини мағлубиятга учратиб, бош совринни қўлга киритди.

Мусобақалар якунида рақиб дарвозасини саккиз бор аниқ нишонга олган жамоамиз аъзоси, Сирғали туманидаги 300-мактабнинг 8 «Г» синф ўқувчиси Нодирбек Қодиров «Турнир тўпурари», деб топилди.

Юқори савияда уюштирилган баҳслар ниҳоясида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Ташкилотчилар мусобақани келгуси йилдан бошлаб анъанавий тарзда 27 июнь — Оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари куни арафасида ўтказишга қарор қилишди.

Муҳаммад КЕНЖАБОЕВ

Суратда: *иккинчи ўрин соҳиби бўлган «Ўзбекистон овози» жамоаси мини футболчилари.*

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.

Тадбир

ТИЛ, МАЪНАВИЯТ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Шу кунларда юртимиздаги барча ташкилот ва идораларда, олий ўқув юртлари, лицей ва мактабларда «Давлат тили ҳақида»ги Қонун қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тадбирлар, анжуманлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Тил, маънавият ва тараққиёт» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари, олимлар, ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов ва бошқалар ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг янада ривожланиши учун пухта замин яратганини таъкидладилар. Мустақиллик йилларида она тилимизга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром янада кучайди. Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда ўзбек тили ривожи йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли унинг нуфузи ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Чет давлатлардаги турли нуфузли университетларда ўзбек тилини тадқиқ этиш марказларининг ташкил этилаётгани, тилимизни ўрганиш истагидагиларнинг тобора ортиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Тадбирда ёш авлод тарбияси, маънавияти ва камолотида она тилимизга бўлган муносабат алоҳида ўрин тутиши таъкидланди. Тилга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни шакллантиришда ёшларнинг нутқий маданиятини юксалтириш, ўқув дарсликларида тил маданияти тарғиботини янада кенгроқ йўлга қўйиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

БОЖХОНАЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Ўзбекистон Давлат божхона қўмитасида ҳам «Давлат тили» тўғрисидаги қонуннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби, Олий ҳарбий божхона институти ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувга таклиф этилган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов йиғилганларга она тилимизнинг қадимийлиги, гўзаллиги, бойлиги, бу тилда дунёга машҳур асарлар яратилганлиги, шу билан бирга собиқ иттифоқ даврида унга бўлган муносабатлар ҳақида сўзлаб беришди.

Севимли шоиримиз 1989 йилда «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши бу ўша давр учун ўзига хос бир жасорат бўлгани ҳақида жонли мисоллар билан сўзлади.

Учрашувда шунингдек, бугунги кунда адабий тил нормаларига риоя қилишдаги айрим камчиликлар, хусусан матбуотда, телевидение ва радио журналистлари ижодида адабий тил қоидаларидан четга чиқиш ҳоллари кузатилаётгани таъкидланди. Шунингдек, бир қатор нодавлат нашрларида, кўча-кўйдаги реклама ва эълонлар матнларидаги имловий хатолар ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди.

Савол-жавоблар асосида ўтган учрашув божхоначиларда катта таассурот қолдирди. Тадбир сўнгида Абдулла Орипов янги ижодидан намуналар ўқиб берди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Кузатув

ЙЎЛ МАНЗАРАЛАРИ

ЁХУД ПОЙТАХТ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ МАДАНИЯТИ ХУСУСИДА ҲИКОЯЛАР

...6 октябрь, шанба. Қадрдонимни кўриб келишни ният қилиб, йўлга чиқдим. Эрталабки соат тўққизлар эди. Тошкент шаҳрининг «Юнусобод — Бўзбозор» йўналиши бўйича қатнайдиган 83-автобусга ўтирдим. Ўриндиқларнинг ярми ҳам тўлмаган. Олдинма-кетин келаётган 96-автобус билан қувлашмачоқ ўйнаётган каби елиб бораяпмиз. Кўринишидан чиройли, пардоз-андози жойида, қирқ ёшлар атрофида бўлган чиптачи аёл ўриндиқлар оралаб юришдан эринмайди, ҳар ўтганда йўловчиларнинг чипталари, ойлик йўл карточкаларини диққат билан текширади.

— Менга қайтим берасизми? — деб сўради ёнимда ўтирган кекса одам олдимиздан навбатдаги марта ўтиб бораётган чиптачидан. Демак, у мен автобусга чиқмасимдан аввал чипта олган.

Аёл шартта тўхтаб:

— Ҳозир, ҳайдовчидан олиб келиб бераман эллик сўмингизни! — деди сўзларни чертиб-чертиб. «Тавба, қайтимни ҳар гал ҳайдовчидан олиб келиб берармикин? Майда пулларни чўнтагига ёки сумкасига солиб юрса бўлмасмикин?»

Ҳайдовчининг ёнига бориб келган чиптачи тангаларни узатаркан:

— Мана, — деди писанда билан, — сабр қилсангиз, бераман! Унинг овозида киноями, кесатиқми бор эдики, найзаси менинг юрагимга ҳам тегди. Мўйсафид гуноҳкор бола каби бошини эгди.

— Сингилжон, сиз сал қаттиқроқ гапирдингиз-да, — дедим кекса одам кўксидаги оғриқни ўзимда ҳис қилиб. — Аввало қайтимни отахоннинг ўзлари сўрамасдан беришингиз керак эди. Балки эсингиздан чиқиб қолгандир... Майда пулларни бошқа чипта сотувчилар ёнида олиб юради-ку...

— Сиз аралашманг! — чиройли юзларидан заҳар сачради аёлнинг.

— Сингилжон, кўпчилик билан ишлайсиз...

Гапим оғзимда қолди. «Э-э, қўлингдан келганини қил!» — деб астойдил сенлашга ўтди. Кўзлаган бекатимга етгач, «10 АС 758» рақамли автобусни алам билан кузатиб қолдим...

Энди 13- ёки 6-трамвайга ўтириб дугонамникига етиб оламан. Тошкент трактор заводи билан Бешқайрағоч даҳасини боғлайдиган 13-трамвай шитоб билан келди, чиқдим. Йўловчилар анчагина, ичкарида ҳаво бирмунча димиққан. «Ҳечқиси йўқ, навбатдаги бекатда тушаман». Қизиқ, одамнинг хуш кайфияти, самимияти ҳавони ҳам беғуборлаштирармикин? Сочларининг у ер-бу еридан бир тутамгинасини сариққа бўяб олган чипта сотувчи аёл йўловчилар билан худди эски қадрдонлардай очилиб гаплашарди. Бекатга яқинлашарканмиз:

— Тайёрланинг, гинекология институти! — деди бор овози билан. Гарчанд бу эълон қаттиқ товушда айтилган бўлса-да, самимий ва ёқимли эди. Негадир хаёлимга оналарнинг: «Уйга кир, болажоним!» — деб чақиришлари келди. Трамвай зиналаридан қушдек енгил бўлиб тушдим. 3003 рақамли 13-трамвай узоғимни яқин қилиб, дилимга бир қатим нур ташлаб, гулдираганча кетди...

●●●

Уйга қайтиш олдидан, гапнинг очиғи, жамоат транспортида энди ихтиёрий равишда саёҳат қилгим келди.

Феруза массивидан 18-троллейбусга ўтирганимда, соат ўн бирлар чамаси эди. Юзлари тиниқ чиптачи йигит асосан кўзлари билан «гаплашарди». Охирги қатордаги ўриндиқлардан бирида ўтирибман. Рўпарамга келиб турган уч қиз гўёки одамлар орасида эканликларини унутишганди. Бор овозлари билан гапириб кулишар, ўзларини ҳар турли ҳолатда намойиш қилишарди.

Чиптачи яқинлашиб келаётганда, улардан бири қўлига пул олганди, иккинчиси унга «яшир» деган ишорани қилди ва йигитнинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Йигит индамай нари кетди. «Қаранг-а, шунақасиям бўларкан. Баъзида етти яшарли ўқувчини чипта ололмагани учун автобусдан итаргандай тушириб юборадиган чиптачининг тилини тополмайсан. Ануви қиз бу йигитга нима деган экан?» — хаёлимни қизларнинг хирингласи бузди:

— Қулоққа тепиш мумкин бўлган жойда пул тўлашнинг нима кераги бор? — деди чиптачининг дилини топган қиз русчалаб, учаласи шарақлаб кулишди. Назаримда, қизлар ўзларига яхшилик қилган йигитнинг устидан кулишарди. Ундан ҳам алам қиладиган жойи — барча соғлом, меҳнатга лаёқатли инсонлар учун баб-баробар бўлган тартиб-қоидаларни ҳаёсизлик билан бузиб, бу билан атрофдагиларга ошкор мақтанишарди. Ортиқ тоқатим етмади, троллейбусдан тушиб қолдим...

●●●

«10 АА 988» рақамли «ЮнусободТошМИ» йўналишида қатнайдиган 82-автобусда узоқ юрдим. Тўғриси, дам олдим. Ўттиз ёшлар атрофидаги тоза кийинган, таранган чиптачи йигит ҳушёр, ўзи ортиқча гап айтмагани каби, бошқаларнинг ҳам эътироз, саволларига ўрин қолдирмай вазифасини бажарарди. Йўловчиларга қайтимни ўрнида қайтаради, чипта бераркан «Марҳамат», — дейди миннатдорчилик оҳангида. Аммо... «10 AV 910» рақамли «Қорақамиш 2/4-Пахтакор» йўналишидаги 65-автобусга чиққан заҳоти муздеккина бўлдим. Худди гуноҳкорни тутиб олиб: «Сен!» — дея айбини бўйнига қўйган каби ишора билан кўрсаткич бармоғини ниқтаб чиптам бор-йўқлигини сўради кондуктор. Унинг жигарранг костюм-шими анчадан буён ювилмаганиниям тушунишга ҳаракат қилса бўлади, «Балки оилавий шароити бўлмагандир». Лекин ҳар куни минглаб одамлар билан юзма-юз мулоқотда бўладиган бу одам сочларини тартибга келтириб, соқолини олиб юрса бўлади-ку!

«Бахт нисбий тушунча, ҳақиқий бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди», — деймиз баъзида. Аслида эса, кўнглинг ёришиши, олам ва одамлар гўзал кўриниши, беминнату бетиним бўлган муҳаббатингни улашиб, хурсанд юришинг учун кўп нарса талаб қилинмайди.

Бугунги ғайритабиий саёҳатимнинг қаҳрамони оппоқ қўйлак устидан «8-автосарой» деган ёзувли ферузаранг махсус камзул кийган, мош-гуруч сочлари ҳафсала билан тартибга келтирилган, «10 AQ 606» рақамли 91-йўналишдаги автобуснинг 55 ёшлар чамасидаги чиптачиси бўлди, деган хаёлда эдим. Унинг ўзини тутиши, йўловчиларни кутиб олиб кузатиши файзли хонадоннинг эгасини эслатади. «Билет олишни унутманглар, барака топкурлар», — деганда, овозида ёшига нисбатан улуғлик, салобат сезиладики, беихтиёр йўловчилик бурчларингни беистисно бажаришга шошасан. Дарвоқе, кўнгилда илиқ таассурот қолдирганларнинг исм-шарифларини айтгинг келади. Лекин афсуски, шу куни мен учратган чиптачиларнинг биринчисида шахсини тасдиқлайдиган, яъни кўкракка тақиладиган ҳужжат кўрмадим...

Юнусобод бозорига кириб, енгилгина харид қилдим-да, яна қадрдон 83-автобусга чиқдим. «Тўрт бекатгина юрсам, уйимга етаман. Энди ҳеч кимни кузатмайман ҳам», — шундай қарорга келиб қўйгандим-у... Манзилимга икки бекат қолганда, тўхтаб турган автобусдан тушаётганларнинг чипталарини текшираётган баланд бўйли чипта сотувчи киши орқасига ўгирилди ва ўша томонга чопди. Катта йўл четидаги ариққа қоқилиб йиқилаётган кўзойнакли кекса чолни суяб қолишга интилди, лекин улгуролмади. Қария йиқилди, уни кўтариб турғазмоқчи бўлган чиптачи ҳайдовчига қараб қичқирди: «Сув!» Сувни олиб отахоннинг оғзига тутди, юзларига сепди.

Ёрдамга ҳеч ким тушмади. Шу пайт отахон ўзига келдими, аҳволи бироз яхшиландими, бошини кўтариб гапира бошлади. Чиптачининг бир ўзи унинг қўлтиғига кириб, белидан оҳиста кўтарди ва бекат ўриндиғига олиб бориб ўтказди. Сўнг мўйсафиднинг елкаларига илашган хасни қоқди, костюми ёқаларини тўғрилади, «Хафа бўлмайсиз энди, отахон, хизматчилик», — дегандай ишора қилди-да, автобус ичида унинг хатти-ҳаракатларини ҳайрону ҳавас билан кузатиб турган йўловчилар томон шошди...

Энди мен ҳам мана шу воқеани, «10 АС 373» рақамли 83-йўналишда намунали хизматидан ташқари, одамийликда ҳам кўпчиликка ибрат бўладиган барваста йигит хизмат қилишини узоқ вақт эслаб, кўпчиликка гапириб юраман...

Муҳтарама УЛУҒ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma'daniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7860 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22.15
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 3 4 6

Sotuvda erkin narxda